

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРА КИТОБИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ



ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

С. ҚОҶАҒОН ҚАТОН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ
ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

**“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ
УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТУЗИЛМАСИДАГИ
ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ**

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

ХОТИРА КИТОБИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**«MATRIX»
ТОШКЕНТ
2025**

УЎК: 323(575.171)(092)

66.3г(5Ў)

X 78

Қатағон қурбонлари. Хотира китоби. Хоразм вилояти / Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. - Тошкент: «MATRIX» нашриёти, 2025. - 264 б.

КБК 66.3г(5Ў)

Тахрир ҳайъати:

Профессор Б.В.Ҳасанов (раис), академик **Н.Ф.Каримов**, профессор Д.А.Алимова, профессор **Д.Х.Зиёева**, профессор Ж.Х.Исмоилова, профессор РТ.Шамсутдинов, профессор Х.Э.Юнусова, профессор З.Р.Ишонходжаева, доцент А.Р.Кудияров, М.Ф.Зикруллаев, Б.Ирзаев, доцент М.А.Дармонова, Ю.Х.Ашуров, Д.Ф.Файзуллаев, М.Б.Алижонов, Б.А.Муратов, Ю.Ж.Сафаров.

Тузувчилар:

Т.ф.д, проф. Б.В. Ҳасанов, т.ф.н., доц. Ю.М. Рахманова, Б.Х. Каримов, т.ф.ф.д., катта илмий ходим У.Т. Бекимматов, т.ф.н., доц. С. Наврўзов, т.ф.д., проф. С.Р. Давлетов, т.ф.ф.д. У.М. Абдалов, Ҳ.А. Каримов, Г.Б. Ниязметова, Ш.Т. Собирова, Д.Ш. Саидова.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сон фармойиши ҳамда 2024 йил 19 июль санасидаги “Сиёсий қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-270-сон қарори асосида Россия империяси мустамлакачилиги даврида, шунингдек, совет тузуми йилларида Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатни эрк ва хуррият учун курашга даъват этган, бироқ, ҳукмрон Чор империяси даврида жазога тортилган ҳамда мустабид шўро тузуми томонидан “халқ душмани” бўлганликда айбланиб, отилган, совуқ ўлкаларга сургунга юборилган, ноҳақ қатағонга учраган азиз ватандошларимиз номларини абадийлаштириш мақсадида нашр этилди.

ISBN 978-9910-8983-7-2

© Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. 2025.


© «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. 2025.

© «Matrix» нашриёти. 2025.



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР	12
ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИДА ҚАТНАШГАНИ	
УЧУН ЖАЗОЛАНГАНЛАР (1860–1916 ЙИЛЛАР)	15
РОССИЯ ИСТИЛОСИ ЖАРАЁНИДА СУРГУН ҚИЛИНГАНЛАР	16
МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ҚАРШИ ТАРҒИБОТ УЧУН	
ЖАЗОЛАНГАНЛАР	17
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ	
ҚУРБОНЛАРИ (1917–1924 ЙИЛЛАР)	19
ТУРЛИ СИЁСИЙ АЙБЛОВЛАР ВА “ҚУЛОҚ”ЛАШТИРИШ	
ҚУРБОНЛАРИ (1925–1936 ЙИЛЛАР)	23
ТУРЛИ СИЁСИЙ АЙБЛОВЛАР БИЛАН ЖАЗОЛАНГАНЛАР	24
“ҚУЛОҚ” ҚИЛИНГАНЛАР	58
“КАТТА ҚИРҒИН” ҚУРБОНЛАРИ (1937–1938 ЙИЛЛАР)	93
1940–1950 ЙИЛЛАР ҚАТАҒОНЛАРИ	231
“ПАХТА ИШИ” ҚУРБОНЛАРИ	243



КИРИШ

Хоразм қадимдан ўзбек давлатчилигининг илк тамал тоши қўйилган, жаҳон илм-фани, маданияти ва санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ўлка ҳисобланади. Шухрати бутун дунёга ёйилган Хоразм юрти ҳам, афсуски, ўз тарихида қонли кунларни бошидан кечирган.

Хусусан, XIX асрнинг ўрталарига келиб Туркистон ҳудудида ҳукм сурган Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигининг улкан иқтисодий салоҳияти, моддий ва маънавий бойликларига эғалик қилишни кўзлаган Россия империяси мустамлакачилик режаларини тузиб, ҳарбий ҳаракатларни амалга оширган.

Ўрта Осиёга илк юришлар XVIII аср бошларида, император Пётр I даврида бошланган. 1717 йил май ойида унинг буйруғига кўра А.Бекovich-Черкасский бошчилигида ҳарбий экспедиция Хива хонлигига қарши ҳарбий юришларни амалга оширган. Лекин уддабурон Хива хони Шерғозихон бошчилигида бу экспедицияда иштирок этаётган қарийб 3 минг нафардан ортиқ империя қўшинининг барчаси Хива ҳарбий қўшини томонидан қириб ташланган.

Россиянинг кейинги императори Николай I даврида, аниқроғи 1839 йилда Хива хонлигига қарши генерал В.А.Перовский бошчилигида 4250 аскардан иборат ҳарбий қўшин жўнатилади. Дастлабки тўқнашувда ёқ империя аскарлари мағлуб этилган. Катта талафот кўрган генерал В.А.Перовский қўшинлари ортга чекинади. Босқинчилардан 1054 нафари ҳалок бўлган, 10 мингта туя, 8 мингта от йўқ қилинган. Бу талафот Россия империяси давлат хазинасига 4700000 рубль моддий зарар етказган.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Туркистон ҳудудидаги Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига қарши катта ташқи хавф янада кучаяди. XIX асрнинг 60-70 йилларида, узоқ тайёргарликдан кейин Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлигига қарши ҳарбий юришлар бошланди. Аҳолининг кескин қаршиликларига қарамай, ўлкамиз ҳудудининг катта қисми истилочилар томонидан босиб олинди.



Империя ҳукумати Хивани босиб олиш учун ўз кучларини 1873 йил февралида тайёрлай бошлади. Экспедицион қўшинлар хонликка қарши ўз юришини 3 тарафдан уюштирдилар: генерал майор Головачёв қўмондонлигидаги Туркистон отряди Тошкент шаҳридан чиқиб Жиззах орқали, генерал-лейтенант Верёвкин қўмондонлигида Оренбург отряди Манғишлоқ орқали, полковник Маркозов қўл остидаги Кавказ отряди эса, Красноводск орқали Хива хонлиги ҳудудларига кириб келдилар¹.

Хива юришида қўшинларга умумий қўмондонликни Туркистон генерал-губернатори, генерал-адъютант Константин Петрович фон Кауфман амалга оширган.

Хива хони Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон II мамлакат мудофаасини ташкил қилишга ҳаракат қилган. Аммо кучлар тенг эмас эди. Уч йўналишда олиб борилган ҳужумлар оқибатида Хива хонлиги Россия империяси протекторати остига ўтди, мамлакат истило қилинди².


1873 йил 12 августда Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман ва Хива хони Муҳаммад Раҳим II (Феруз) (1864–1910) имзо чеккан Гандимён шартномаси натижасида Хива хонлиги ўз сиёсий мустақиллигини йўқотиб, империяга қарам ўлкага айлантирилди.

Афсуски, Хива хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинishi жараёнида қанча киши қурбон бўлганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ, аммо истилочиларга қаршилиқ кўрсатганлари учун Муҳаммад Мурод девонбеги, Раҳматулло ясовулбоши ва бошқалар Калуга вилоятига сургун қилинган.

Россия империяси ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсати оқибатида халқимизнинг моддий ва маънавий бойликлари талон-торож қилинди, миллий қадриятлари, диний эътиқод ва маданияти таҳқирланди. Империя ўлкани хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирди. Буларнинг барчаси маҳаллий халқнинг кескин норозилиги ва қаршилигига сабаб бўлди.

¹ “Туркестанские ведомости” газетаси. 1873 йил 18 июн №23.

² Саид-Мухамед-Рахим, хивинский хан, и его приближенные // Туркестанский сборник. Т. 42. – С. 47; Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий... – Б. 222; Условия мира России с Хивой, предложения генерал-адъютантом фон Кауфманом и принятые хивинским ханом // Туркестанский сборник. Т. 72. – С. 84.



Россия империясининг мустамлака сиёсатига қарши Туркистоннинг бошқа қўплаб шаҳарларида бўлгани каби Хива хонлигида ҳам қўзғолонлар бир неча бор кўтарилган. Масалан 1916 йил подшо Россияси мустамлакачилиги зулмига қарши халқ қўзғолонлари 2 босқичда бўлиб ўтади. Хива қўзғолонининг 1-босқичи (1916 йил 14–30 январь)да Хўжали ҳокими Авазбий Хўжа (Асфандиёрхоннинг жияни) бошчилигидаги 600 кишидан иборат исёнчилар хонлик пойтахти – Хивага йўл олишади. Уларга йўл-йўлакай хонликнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларидан бош кўтарган қўзғолончилар ҳам қўшилгач, қўзғолончилар сони 3 минг кишига етган. Амударё бўлими бошлиғи полковник Колосовскийнинг буйруғи билан полковник Голошевский бошчилигидаги рус отряди қўзғолон раҳбарлари (Авазбий Хўжа Муртазобий Хўжаев, унинг иниси Маҳмуд хўжа; Қиёт ҳокими Абдуллабек иноқ Бобобеков; Гурлан ҳокимлигидан Кутлимурод иноқ Ибодуллаев ва Худойберганбек Муҳаммадниёзов, Манғит ҳокимлигидан Муҳаммад Амин дарға ва бошқалар)ни қамоққа олишган. Қамоққа олинган 8 нафар қўзғолончиларнинг раҳбарлари Хўжаэлида ўлдирилган.

Хива қўзғолонининг 2-босқичи 1916 йил 1–14 февралда бўлиб ўтиб, Жунаидхон бошчилигидаги ҳарбий ҳаракатлар Россия империяси мустамлакачилигига қарши миллий озодлик қўзғолони даражасига кўтарилган.

Туркистон ўлкаси генерал-губернатори Хивадаги қўзғолон Закаспий вилояти ва бутун Туркистон ўлкасига тарқалиб кетишидан хавфсираб, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал лейтенант Галкин бошчилигидаги ҳарбий отрядни Хивага юборди. Галкин жазо отряди 15 февралда Хивага етиб келиб, Колосовский отряди билан қўшилган. Хива қўзғолонининг 3-босқичи (1916 йил 15 февраль - 4 май)ни жазо отряди томонидан бостириш жараёни ана шундай бошланди.

Галкин жазо отряди 24 апрел – 4 майда Кўҳна Урганч, Хўжаэли, Порсу, Илонли (Илалли), Тошқовуз, Гурлан, Янги Урганчда бўлиб, қўзғолончиларни жазолагач, Хивага қайтади. Мустамлакачилар хонлик аҳолисидан катта миқдорда товон пули олишган. Жазо отряди фақат қўзғолончиларни эмас, балки уларнинг оила аъзолари ва қариндош уруғларини ҳам шафқатсиз жазолади, тинч аҳоли вакиллари ўлдирилди.




Хоразм воҳасида кейинги қурулди кураш 1918 йил ўрталарида бошланиб, большевиклар, қизил армия кучларига қарши қаратилган. Қизил армиянинг Хоразм ҳудудларига тажовузкорлик билан бостириб киришлари давомида қилган талончиликлари, зўравонликлари, қон тўкишлари оммавий норозиликларни келтириб чиқарган асосий сабаблардан бўлди. Бу бебошликлар кейинги даврларда ҳам давом этди. Тажовузкор қўшинларга буйруқ берган, қўмондонлик қилган, ўлкага қизил аскарлар гарнизонларини жойлаштириб, уларга таяниб иш юритган большевиклар, ҳарбийлар халқ бойликлари, мол-мулкни тортиб олиш, одамларни қатағон қилиш, инқилобий ўзгартиришларни амалга ошириш, миллий қадриятларни оёқости қилишга бошчилик қилдилар. Бу қизил армияга қарши ҳаракатнинг кенгайиб, оммавий тус олишига олиб келди. Бу жараёнда ерли аҳолининг деярли барча қатламлари, биринчи навбатда деҳқонлар қатнашдилар.

Хива хони тахтдан ағдарилиб, Хоразм халқ республикаси тузилган даврида ҳам мисли кўрилмаган талончилик ва зўрликларга қарши оммавий қурулди курашлар бошланди. Бунга, айниқса, 1920 йилда қизил аскарлар томонидан Урганч аҳолиси, уламолари норозилик йиғинининг қонли бостирилиши, Қўчмамадхон бошчилигидаги туркман йигитларининг ўлдирилиши, туркман аҳолиси устига жазо отрядларининг бостириб бориши, 1921 йил бошида Полвонниёз Ҳожи Юсупов ҳукуматининг фитна йўли билан ағдарилиши, бегуноҳ кишиларнинг қамалиши, ўлдирилиши, мол-мулкнинг таланиши сабаб бўлди.

Қурулди курашни Қурбон-Мамед Сардор - Жунаидхон (1857–1938) гуруҳлари бошлаб, қатор йиллар давом эттирди. Гуруҳларга Мадраимбой, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек ва бошқалар раҳбарлик қилдилар. Хусусан, Кўҳна Урганч, Илалли, Тошқовуз, Манғит, Қўшқўпир, Чимбой, Қўнғирот ва Тўртқўлда ҳаракат қилган ўнлаб гуруҳлар қизил аскарларга жиддий зарба берди. Жунаидхон бошчилигидаги исёнчилар ҳужумга ўтиб, Кўҳна Урганч, Хўжайли, Илалли ва Тахтани қайта эгаллади, кўплаб қизил аскарларни асир олди.

1921 йил ёзида Қўнғиротда қўзғолон кўтарилди. Бундай кўтарилишлар тез-тез такрорланиб турди. 1922–1923 йилларда олиб борилган жанговор ҳаракатлар қизил армия қўмондонлигини танг аҳволга солиб-



гина қолмай, балки республикадаги сиёсий муҳитга ҳам жиддий таъсир қилди.

Исёнчилар қаторига маҳаллий аҳоли вакиллари, шунингдек, Хоразм Республикаси ҳукуматининг айрим аъзолари қўшилдилар.

1922 йил апрель ойида Порсу шаҳри ва унинг атрофи қизил аскарлардан озод қилинди. Кўҳна Урганч атрофидаги қишлоқларда шиддатли жанглар бўлди. 1923 йил қишида Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида деҳқонларнинг қўзғолонлари бошланиб кетди. Қўзғолончилар совет ташкилотларини тугатдилар, қизил аскарларга қарши ҳужумни кенгайтirdилар.

Ҳаракатнинг шиддатли ўсиб боришига хунрезликнинг кучайиши, 1923 йил ёздан аҳоли қатор қатламларига нисбатан кўрилган сиёсий-иқтисодий тазйиқ чоралари, кўплаб кишиларнинг большевиклар томонидан қамоққа олиниши ва отиб ташланиши сабаб бўлди. Хоразмда қизил қўшинлар қўмондонлик буйруғи билан қишлоқларни вайрон қилдилар, тинч аҳолини аямасдан ўлдирдилар.

Хоразм республикасида социалистик тадбирларнинг амалга оширилиши республика марказида оммавий норозиликларни келтириб чиқарди. Хива атрофида 1924 йил январида 10–15 минг қўзғолончи тўпланиб, шаҳарни қамал қилиши, жиддий талабларни илгари суриши воқеаларнинг чўққиси бўлди. Қўзғолончиларнинг бир қисми шаҳар ичига бостириб кириб, кўча жанглари олиб борди. 26 январь куни кечқурун бўлган муҳораба жанглари, айниқса, шиддатли кечди.

Хоразмда қуроли курашлар натижасида тажовузкор қизил қўшинларга қатор жиддий зарбалар берилди. Қизил армия қўмондонлиги янгидан-янги ҳарбий қисмларни тўплаб, аэропланларни Хоразмга келтириб, исёнчиларга қарши жангга ташлади.

Большевиклар ҳеч қандай музокарага киришмай, қаршилиқ ҳаракатини фақат қурол кучи билан бостириш режасига амал қилдилар. Республикада “босмачиликка қарши кураш учун “фавқулудда учлик” (тройка) тузилиб (1922 йил охири), “босмачилар” ва уларга ёрдам беришда шубҳа қилинган юзлаб кишилар олий жазога ҳукм қилиндилар ва 24 соат ичида отиб ташландилар.



Аммо маҳаллий аҳолининг қаршилиги тўхтамади. Чунончи, Хива атрофида бўлган 1924 йил бошларидаги қўзғолонни бостириш учун 4-Актюбинск, 82-Туркистон отлик полки ва авиаэскадрилия, Тўртқўлдан қўшимча қизил аскар қисмлари ташланди. Бу кучлар тазйиқи остида қўзғолончилар Хива қамалини тўхтатиб, чекинишга мажбур бўлдилар. Чўл ҳудудларига чекинганларни аэропланлардан шафқатсизларча ўққа тутдилар. Қўзғолончилар ашаддий қирғин қилинди.


Хоразмда зулм ва зўравонликка қарши миллий озодлик ҳаракати айрим гуруҳлар томонидан 1935 йилгача давом эттирилди. Хоразм Республикаси, умуман, Ўзбекистон ҳудудидаги совет ҳокимияти ва қизил армияга қарши курашларни кенг халқ оммаси, биринчи навбатда деҳқонлар қаҳр-ғазаби, норозилигининг юксак даражага кўтарилганлиги ифодаси деб эътироф этиш мумкин.

1929–1933 йилларга келиб мустабид совет тузуми бадавлат ва ўрта ҳол деҳқонларни қишлоқ буржуазияси сифатида тугатиш сиёсатини олиб борди. Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳоти ўтказиш баҳонасида минглаб йирик ва ўрта мулкдорларнинг хўжаликлари тугатилиб, мол-мулклари мусодара қилинди, ўзлари “қулоқ” сифатида бадарға қилиндилар.

Хоразм воҳасидан “Қулоқлаштириш” жараёнида турли сиёсий айбловлар билан 794 нафар аҳолига турли жазо чоралари қўлланилган ва “қулоқ” қилинган.

Совет давлати сиёсий қатағонларининг энг кульминацион нуқтаси 1937–1938 йиллардаги “Катта қирғин” жараёни бўлди. СССР НКВДси томонидан 1937 йил 30 июль кuni тасдиқланган 00447-рақамли мутлақо махфий буйруққа кўра 5 августда “барча республикалар ва вилоятларда, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРлар”да бошланиши лозим эди. Лекин Ўзбекистон НКВДси раҳбарлари доғда қолмасликлари учун июль ойининг ўрталаридаёқ қатағон машинасини ишга тушириб юборадилар. Бу даврда давлат, фан, маданият арбоблари, зиёлилар, уламолар, ҳаттоки оддий инсонлар ҳам қатағон домига тортилдилар.

Ҳозиргача аниқланган маълумотларга қараганда 1937–1938 йилларда 1243 нафар хоразмликлар “катта қирғин” қурбонлари бўлдилар. Уларга қўйилган “Ватан хоини”, “аксилинқилобчи”, “халқ душмани” каби



қора тамғалар нафақат уларнинг, балки бутун оила аъзолари ва яқинларининг ҳаётини барбод қилди.

Совет мустабид тузумининг қатағон сиёсати фашизмга қарши урушнинг қийинчиликларига қарамай давом этди. 1940 йилларнинг охири – 1950 йиллар бошида зиёлиларнинг энг илғор қисмига қарши қаратилган қатағонлик қиличи бир қатор ёзувчилар, шоирлар, олимлар, Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб маданият арбоблари (Хоразмдан ҳозирча аниқланганлари сони 97 нафар) бошига тушди.

Уларнинг орасида хоразмлик адабиётшунос Раҳмат Мажидий каби олимлар ва оддий халқ вакиллари ҳам бор эди.

XX асрнинг 80 йилларида марказ томонидан амалга оширилган “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деб аталган кампаниялар натижасида ўзбек халқи жабрланди, таҳқирланиб, бадном этилди.

Ушбу сиёсий кампания орқали ўзбек халқи шаънига турли тухмат ва бўҳтонлар ёғдирилиб, минг-минглаб бегуноҳ инсонлар жазога тортилди. Хоразмликлардан бу жараёнда 147 киши ноҳақ айбловлар билан жиноий жавобгарликка тортилганлар. Жазоланганларнинг аксарияти кучайтирилган тартибдаги ахлоқ тузатиш колонияларига жўнатилганлар, уларнинг мол-мулклари мусодара қилинган.

Таъкидлаш жизки юқорида қайд этилган статистик маълумотлар 1860–1990 йилларда Россия империясининг мустамлака даври ва совет мустабид тузumi даврида жабру зулм кўрган, жон фидо қилган, ноҳақ айбловлардан жазо тортган ватандошларимиз ҳақида якуний рақамлар эмас. Қатағон қурбонларини номма-ном аниқлаштириш ва хотира китобларининг кейинги жилдларини нашр қилиш орқали уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ҳозиргача тўпланган маълумотлар асосида Хоразм вилояти бўйича “Қатағон қурбонлари” Хотира китобининг 1-жилдига нашрга тайёрланди.

Мазкур китобни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси архиви, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви, Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тақдим этилган архив материаллари, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси



Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви, Урганч Давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи фонди, Хоразм вилояти Давлат архиви ҳужжатлари ва бошқа илмий манбалардан фойдаланилди.

Умумий тўпланган ҳужжатлар таҳлилига кўра 1873 йилдан то 1990 йилга қадар 4000 нафарга яқин хоразмлик ватандошларимиз мустабид тузумнинг ноҳақ айбловлари асосида турли даражадаги айбловлар билан жазоланиб, аксарият қисми олий жазога ҳукм этилганлиги аниқланди. Афсуски айрим ватандошларимизнинг маълумотлари тўлиқ сақланмаганлиги боис ушбу китобга 2317 нафар қатағон жабрдийдаларининг исм-шарифлари киритилди.


Хусусан Россия истилоси жараёнида сургун қилинган ва мустамлакачиликка қарши тарғибот учун жазоланган 12 киши, совет ҳокимиятига қарши кураш қурбонлари (1917–1924 й.й.) 14 киши, 1925–1936 йилларда турли сиёсий айбловлар билан жазоланганлар 329 киши, “қулоқ” қилинганлар 468 киши, “катта қирғин” қурбонлари (1937–1938 й.й.) 1234 киши, 1940–1950 йиллардаги қатағон қурбонлари 98 киши, “Пахта иши” қурбонларидан 162 киши аниқланди.

Юқорида қайд этилганидек, тадқиқотлар ҳали давом эттирилмоқда. Кейинги изланишлар бўйича топилган ҳужжатли материаллар асосида юқоридаги китобнинг кейинги жилдлари яратилади.

Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Эл-юртимиз озодлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси, миллий қадриятларимизни ҳимоя қилишда, мустамлакачиликка қарши машаққатли курашларда қурбон бўлган юртдошларимиз хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Т.ф.н., доцент Ю.М. Рахманова,
Урганч давлат университети тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси
музейи директори





ҚЫСҚАРТМА СЎЗЛАР

ДХБ	–	Давлат хавфсизлиги бошқармаси
ДХМ	–	Давлат хавфсизлиги министрлиги
ЖК	–	Жиноят кодекси
ИИВ	–	Ички ишлар вазирлиги
КП МК	–	Коммунистик партия Марказий комитети
ҚҚАССР	–	Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси
ЛКСМ	–	Ленинча коммунистик ёшлар иттифоқи
МИҚ	–	Марказий ижроия қўмитаси
МТЛ	–	Меҳнат тузатиш лагери
НКВД	–	Ички ишлар халқ комиссарлиги
ОГПУ	–	Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси
ОСАВИАХИМ	–	Мудофаа, авиация ва кимёвий қурилишга қўмаклашувчи жамият
РСФСР	–	Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси
САВО	–	– Ўрта Осиё Ҳарбий округи




САКУ	–	Ўрта Осиё коммунистик университети
СССР	–	Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи
ТАССР	–	Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси
ЎзССР	–	Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси
УНКВД	–	Ички ишлар халқ комиссарлиги бошқармаси
ХКС	–	Халқ комиссарлари совети
ЧК	–	Фавқулодда комиссия





**ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИДА
ИШТИРОКИ УЧУН
ЖАЗОЛАНГАНЛАР**

(1860–1916 йиллар)



РОССИЯ ИСТИЛОСИ ЖАРАЁНИДА СУРГУН ҚИЛИНГАНЛАР

А

АБДУЛЛАЖОН Бой – Мулкдор. 1873 йилда Россия империяси қўшинларига қарши курашга раҳбарлик қилган. 1873 йилда Калуга губерниясига сургун қилинган.

М

МАТМУРОД Девонбеги – Девонбеги. 1873 йил Россия империясининг Хива хонлигига қарши ҳарбий юришларига қарши курашган. 1873 йилда Калуга губерниясига сургун қилинган.

О

ОТАШ Мироб – Мироб. 1915 йил декабрь ва 1916 йил январь, февраль ойларида мустамлакачиларга қарши кўтарилган халқ қўзғолонига Худойберганбек Матниёзбек ўғли билан бирга раҳбарлик қилган. 1916 йил февралда олий жазога ҳукм қилинган.

Р

РАҲМАТУЛЛО Ясовулбоши – Ясовулбоши. 1873 йилда Россия империяси қўшинларига қарши кураш олиб борган. Калуга губерниясига сургун қилинган.

С

СОТИБОЛДИ Сахтиёнли – Савдогар, амалдор. 1915 йил декабрь ва 1916 йил январь, февраль ойларида Гурлан беклари билан Россия империяси мустамлакачилигига қарши кураш олиб борган. 1916 йил февралда Гурлан беклигида олий жазога ҳукм қилинган.

Х

ХУДОЙБЕРГАНБЕК Матниёзбек ўғли – Гурлан беки. 1915 йилдаги халқ қўзғолони раҳбари. Олий жазога ҳукм қилинган.



МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ҚАРШИ ТАРҒИБОТ УЧУН ЖАЗОЛАНГАНЛАР

А

АБДУЛЛАБЕК ИНОҚ Бобобеков – Хива хонлигининг Қиёт-Қўнғирот ноиблиги ноиби. 1916 йилда Россия империяси мустамлакачилигига қарши кўтарилган халқ қўзғолонига раҳбарлик қилганлиги учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АВАЗБИЙ ХЎЖА МУРТАЗАБИЙ Хўжаев – Хўжайли шаҳар ҳокими. 1916 йил январида Россия империяси мустамлакачилигига қарши кўтарилган халқ қўзғолонига раҳбарлик қилган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

М


МАҲМУДХЎЖА МУРТАЗАБИЙ ХЎЖАЕВ – Хўжайли шаҳрида туғилган. Мулкдор. 1916 йил январида Россия империяси мустамлакачилигига қарши кўтарилган халқ қўзғолонига раҳбарлик қилган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.


МУҲАММАД АМИН Дарға – Манғит ҳокимлигининг эл оқсоқоли. 1916 йил январида Россия империяси мустамлакачилигига қарши кўтарилган халқ қўзғолонига раҳбарлик қилган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУҲАММАДАМИН Охун – Охун. 1920 йил 23 июнда Хива шаҳрида ўтказилган намойиш ташкилотчиларидан бири. Олий жазога ҳукм қилинган.

Қ

ҚУТЛИМУРОД ИНОҚ Ибодуллаев – Гурлан ҳокимлигида иноқнинг вакили. 1916 йил январь ойида Россия империяси мустамлакачилигига қарши халқ қўзғолонига раҳбарлик қилганлиги учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган.





СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ ҚУРБОНЛАРИ

(1917–1924 йиллар)

А

АННАЕВ Қурбонбой – 1891 йилда Олтин қишлоғида туғилган. 1924 йил январь қўзғолони иштирокчиси. Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатни қўллаганликда айбланган.

Б

БЕРДИЕВ Қурбонбой – 1900 йилда Хонқа туманининг Сарапоён қишлоғида туғилган. 1924 йил январиди бўлиб ўтган Хива қўзғолони иштирокчиси. Совет ҳокимиятига қарши курашганлиги учун 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Ё

ЁҚУБОВ мулла Юсуп – 1860 йилда Янгиариқ туманининг Эски Боғот қишлоғида туғилган. Имом. 1923 йилда давлат сиёсатиға қарши курашганликда айбланиб, уч йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЁҚУБОВ Райимбой – Шовот туманининг Ижтимоият қишлоғида туғилган. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1924 йилда икки йилга, 1927 йилда беш йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

И

ИБРОҲИМ Охун – Хива хонлигида охун, қозикалон вазифаларида фаолият кўрсатган. 1920 йилнинг 23 июнда Хивадаги Муҳаммад Амин-хон мадрасаси олдида ўтказилган намойиш ташкилотчиси сифатида олий жазога ҳукм қилинган.

Й

ЙЎЛДОШЕВ Олломи – 1897 йилда Урганчнинг Ўрта Дўрмон қишлоғида туғилган. 1923 йилда совет ҳокимиятига қарши курашган. 1930 йилда 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



М

МУЛЛА МУҲАММАД – Бадирхон қишлоғида туғилган. Диний уламо. 1920 йил 23 июнда Хива шаҳрида ўтказилган намоёиш ташкилотчиларидан бири. Олий жазога ҳукм қилинган.

МУҲАММАДРАЙИМ Оллоберганов – Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси (ХМИК) Президиуми раиси. 1921 йилда сохта айблар билан ўз лавозимидан олиб ташланган ва олий жазога ҳукм қилинган.

МУҲАММАДРАҲИМОВ Ота махсум охун – Хива шаҳрида туғилган. 1920-1921 йилларда Хоразм Халқ Республикаси адлия нозири, Марказий Ижроия Қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. Миллий сиёсат олиб боргани туфайли 1921 йил 27 ноябрда ҳокимиятдан четлатилган ва олий жазога ҳукм қилинган.

Р

РАФИҚ Охун – Мадраса охуни. 1920 йил 23 июнда Хива шаҳрида ўтказилган намоёиш ташкилотчиларидан бири. Олий жазога ҳукм қилинган.

О

ОБИД Охун – Охун. 1920 йил 23 июнда Хива шаҳрида ўтказилган намоёиш ташкилотчиларидан бири. Украинага сургун қилинган.


С

САЙИД Абдуллахон – 1918-1920 йилларда ҳукмдорлик қилган сўнгги Хива хони. Хива хонлиги тугатилгач, 1920 йил февралда уй қамоғига ҳукм қилинган. 1920 йил 23 июнда Хива шаҳридаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси олдида ўтказилган намоёиш ташкилотчилигида гумонланиб, Украинанинг Кривой Рог шаҳрига сургун қилинган. 1934 йил Кривой Рог шаҳрида вафот этган.

САИДЖОН Қори – Диний уламо. 1920 йил 23 июнда Хива шаҳрида ўтказилган намоёиш ташкилотчиларидан бири. Олий жазога ҳукм қилинган.


Ҳ

ҲИКМАТИЛЛО Охун – Охун. 1920 йил 23 июнда Хива шаҳрида ўтказилган намоёиш ташкилотчиларидан бири. Украинага сургун қилинган.



**ТУРЛИ СИЁСІЙ АЙБЛОВЛАР
ВА “ҚУЛОҚ”ЛАШТИРИШ
ҚУРБОНЛАРИ**

(1925–1936 йиллар)



ТУРЛИ СИЁСИЙ АЙБЛОВЛАР БИЛАН ЖАЗОЛАНГАНЛАР

А

АБДУРАСУЛОВ Мадамин – 1892 йилда Урганч туманида туғилган. 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, 3 йил муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилган.

АБДУЛОВ Раҳим – 1902 йилда туғилган. 1930 йилда коллективлаштириш сиёсатига қарши курашганлиги учун 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАИМОВ Қосим – 1902 йилда Янгиариқ туманининг Остона қишлоғида туғилган. Колхозчи. 1931 йилда коллективлаштириш сиёсатига қарши чиққанлиги учун 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАҲМОНОВ Абдучин – 1890 йилда Хонқа туманининг Навхос қишлоғида туғилган. Навхос қишлоғида 15 кишидан иборат йигитлар гуруҳининг қўрбошиси. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1930 йилда қамоқ жазосига ҳукм этилган.

АБДУРАҲМОНОВ Асқар – 1870 йилда Кўшкўпир туманининг Ғазовот қишлоғида туғилган. 1934 йилда колхоз ерларига пахта экишга қарши курашганлиги учун 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАҲМОНОВ мулла Нурмат – 1896 йилда Шовот туманининг Қурбон қишлоғида туғилган. Совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун 1932 йилда ўлимга ҳукм қилинган.

АБДУРАҲМОНОВ Ортиқ – Гурлан туманининг Хизирали қишлоғида туғилган. Совет ҳукуматига қарши курашганликда айбланиб, 1928 йил 28 сентябрда 9 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДАЛОВ Олим – 1900 йилда Хонқа туманининг Мадир қишлоғида туғилган. 1930-1932 йилларда совет ҳокимиятининг коллективлаштириш сиёсатига қарши чиққани учун икки марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАИМОВ Собир – 1886 йилда Кўшкўпир туманининг Ўзбекёп қишлоғида туғилган. Колхозчи. Коллективлаштириш даврида мол-мул-



ки тортиб олинган. 1933 йилда чайқовчилиги учун жавобгарликка тортилган. 1990 йил 15 февралда оқланган.

АБДУКАРИМОВ Раимбой – 1903 йилда Гурлан туманида туғилган. Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борганлиги учун 1931 йилда икки йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУЛЛА Юсуп – Шовот туманида яшаган. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1930 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Бозорбой Зан – 1885 йил Гурлан туманида туғилган. Колхозчи. Совет ҳокимиятига қарши курашганлиги учун 1933 йил 1 мартда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 14 февралда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Ёқуббой – Манғит туманининг Хўжакалон қишлоғида туғилган. Колхозчи. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1931 йил 16 октябрда 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 19 апрелда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Иноят махсум – 1872 йилда Маноқ қишлоғида туғилган. Диний хизматчи. 1932 йилда совет ҳукуматида қарши чиққани учун олий жазога ҳукм қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Қодирберган – Янгиариқ туманининг Катта Жирмиз қишлоғида яшаган. 1928 йил 14 майда совет ҳукуматида қарши курашганликда айбланиб, 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 3 йиллик қамоқ муддатини ўтаб қишлоғига қайтиб келган.


АБДУЛЛАЕВ Матяқуб – 1933 йил 25 январда совет ҳукуматида қарши курашганликда айбланиб, 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 7 октябрда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Маҳмуд – Хиванинг Гуланбоғ қишлоғида яшаган. 1928 йил 1 апрелда совет ҳукуматида қарши курашганликда айбланиб, 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУЛЛАХОНОВ Саъдулла (Ули Тўра Саид) – Совет ҳукуматида қарши курашганлиги учун 1930 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АТАНИЁЗОВ Обил – 1899 йилда Кўшкўпир туманида туғилган. 1932 йилда “аксилинқилобчи” сифатида айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АВЕЗОВ Матниёз – 1882 йилда Ҳазорасп туманида туғилган. 1931 йилда мол-мулкини топшириб, колхозга кирган. Колхоз ерларига пахта



кўп экилишига қаршилиқ қилганлиги учун 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АВЕЗОВ мулла Худойберган – 1892 йилда Хонқа туманининг Зенахос қишлоғида туғилган. Собиқ имом. 1932 йилда совет ҳукуматида қарши курашганликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинган.

АВЕЗОВ Ҳабиб махсум – 1879 йилда туғилган. 1932 йил коллективлаштиришга қарши курашганлиги учун қамалган. 1990 йил 19 майда оқланган.

АВЕЗОВ Саттор – 1890 йилда Янгиариқ туманида туғилган. Колхозчи. Коллективлаштириш даврида пахта экишга қарши чиққани учун 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АВЕЗМУРОТОВ Матўраз – Хонқа туманининг Нукус қишлоғи, Обод колхозида туғилган. Коллективлаштириш сиёсатида қарши курашганлиги учун 1933 йил 5 июнда қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЛАНОВ Хўжаниёз – 1892 йил Шовот туманининг Арбек қишлоғида туғилган. Колхозчи. “Аксилінқилобчи” сифатида айбланган. 1932 йил 20 декабрда 4 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1992 йил 27 апрелда оқланган.

АЛЛАБЕРГАНОВ Жума – 1891 йилда туғилган. Савдогар. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1931 йил 9 ноябрда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 23 октябрда оқланган.

АСАНОВ Исмоил Ҳусайнович – 1907 йилда туғилган. Гурлан пахта тозалаш заводи режа бўлими бошлиғи. 1929 йилда Султонғалиев бошчилигидаги татар миллий ташкилоти аъзоси сифатида РСФСР ЖКнинг 58-4-10 - бандлари билан 5 йилга концлагерга жўнатилган.

АТАЖАНОВ Мамут эшон – Кўшкўпир туманининг Ғозовот қишлоғида яшаган. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. “Аксилінқилобчи” сифатида айбланган. Хива туман халқ судининг 1934 йил 29 октябрдаги мажлис ҳукми билан 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЖИЁЗОВ Хўжаниёз – Хонқа туманининг Навхос қишлоғида туғилган. 1928 йил 1 октябрда совет ҳукуматида қарши курашганликда айбланиб, 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1 йиллик қамоқ муддати ўтаб, озодликка чиқарилган.



АЗИЗОВ Бобо эшон – 1907 йилда Шовот туманининг Бўйрачи қишлоғида туғилган. Колхозчи. Совет ҳукуматига қарши курашганликда айбланиб, 1934 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АКУЛОВ Карим – 1909 йилда Гурлан туманининг Шанғи қишлоғида туғилган. 1933-1935 йилларда совет ҳокимиятига қарши курашувчи гуруҳларни қўллаб-қувватлаганлиги ва диндорлиги учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АМЕТОВ Сафониёз – Шовот туманида яшаган. Совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун 1931 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АННАМУРОДОВ Эшон – 1928 йил 12 январда совет ҳукуматига қарши курашганликда айбланиб, 9 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АТАЖОНОВ мулла Матёқуб – 1901 йилда Хонқа туманида туғилган. Колхозчи. 1936 йил аксилинқилобий фаолиятда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АХМАТОВ Абдурахмон – Шовот туманида туғилган. Совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун 1930 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АХМЕДОВ Матёқуб – Хиванинг 13-элатида яшаган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1931 йилда 5 йилга сургун қилинган.


Б

БАБАЖОНОВ Тўрабой – 1870 йилда Гурлан туманида туғилган. Чўболончи қишлоғида яшаган. 1931 йилда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 1 январда оқланган.

БАНЖИЕВ Раим – 1906 йилда Урганч тумани Қаландар Дўрмон қишлоғида туғилган. Совет ҳукуматига қарши бўлганлиги учун 1926 йилда 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОЛТАЕВ Ўрозмат – 1903 йилда Урганч туманининг Беговот қишлоғида туғилган. Болахўжа қўрбоши гуруҳида совет ҳукуматига қарши иштирок этганлиги учун 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БЕКНИЁЗОВ мулла Хаит – 1886 йилда Хонқа туманининг Навхос қишлоғида туғилган. Хонқа туманида советларга қарши курашган гуруҳга қўрбошилиқ қилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1931 йил 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



БЕКНИЁЗОВ Холмон – 1867 йилда Шовот туманининг Қанғли қишлоғида туғилган. Колхозчи. “Аксилінқилобчи” сифатида айбланган. 1933 йилда жазога маҳкум этилган. 1990 йил 6 февралда оқланган.

БЕКМОНОВ Худойберган – Гурлан туманида туғилган. Колхозчи. 1931 йилда совет ҳукуматиға қарши курашганлиги учун сургун қилинган.

БЕКЧОНОВ Қурбон – 1869 йилда Шовот туманида туғилган. Савдо вакили. 1932 йилда совет ҳукуматиға қарши курашганлиги учун олий жазога ҳукм қилинган.

БЕКЖОН Раҳмон – 1887 йилда Хива шаҳрида туғилган. Ўзбекистон ССР Фан қўмитаси илмий ходими. “Аксилінқилобчи” сифатида айбланган. 1929 йилда Амударё (кеманинг ичи)да совет чекистлари томонидан судсиз ваҳшийларча ўлдирилган.

БОБОЕВ Жумамурод – Тошҳовузнинг Тахта қишлоғида туғилган. 1928 йил 4 августда ЖКнинг 186 - моддасига кўра 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОЕВ Карим – 1907 йилда Қўшқўпир туманининг Қўктом қишлоғида туғилган. 1932 йилгача Ибод бола қўрбошилигида совет ҳукуматиға қарши кураш олиб борган. 1932 йилда 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОЖОНОВ Ёқуб – 1902 йилда Урганч туманида туғилган. 1926–1928 йилларда Бозор кал қўрбоши қўл остида совет ҳукуматиға қарши бўлганлиги учун 1928 йилда 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОЖОНОВ Жуманиёз – 1899 йилда Шовот туманида туғилган. Дехқон. 1931 йил 4 апрелда совет ҳокимиятиға қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 29 июлда оқланган.

БОБОЖОНОВ Жуманиёз – 19 ёш. Хонқа туманининг Тозабозор қишлоғида туғилган. Колхозчи. 1932 йил 19 ноябрда совет ҳокимиятиға қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1992 йил 24 февралда оқланган.

БОБОЖОНОВ К. – 1881 йилда Шовот туманида туғилган. Ўз ССР ЖКнинг 14-78-моддаларига кўра 1931 йил 16 октябрда 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган.



БОБОЖОНОВ Мавлон – 1889 йилда Хонқа туманининг Эски Боғот қишлоғида туғилган. Деҳқон. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1931 йил 15 октябрда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 3 февралда оқланган.

БОБОЖОНОВ Саидматхўжа – 1895 йилда Қўшқўпир туманининг Қатағон қишлоғида туғилган. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1938 йил 16 февралда 10 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

БОБОЖОНОВ Отажон – 1892 йилда Шовот туманининг Бўйрачи қишлоғида туғилган. Деҳқон. 1931 йил 12 августда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 5 январда оқланган.

БОБОЖОНОВ Отажон – Хонқа туманининг Зенахас қишлоғида яшаган. 1928 йил 1 январда ЎзССР ЖКнинг 1-моддаси билан 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОЖОНОВ Райим мулла – 1878 йилда Хонқа туманининг Зенахас қишлоғида туғилган. Диний хизматчи. Совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун 1932 йилда олий жазога ҳукм қилинган.


БОБОЖОНОВ Рўзмат тўра – 1867 йилда Янги Урганчнинг Юқори Дўрмон қишлоғида туғилган. Диний хизматчи. 1932 йилда совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун олий жазога ҳукм қилинган.

БОБОЖОНОВ Саид Эшон – 1893 йилда Гурлан туманининг Хизир эли қишлоғида туғилган, Деҳқон. 1933 йил 6 февралда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 6 февралда оқланган.

БОБОЖОНОВ Тўрабой – 1870 йилда Гурлан туманининг Чўболончи қишлоғида туғилган. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1931 йил 27 ноябрда қамалган. 1990 йил 4 январда оқланган.

БОБОЖОНОВ Шариф – 1928 йил 23 октябрда ЎзССР ЖКнинг 186-моддаси билан айбланиб, 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОНИЁЗОВ Юсуп – Янгиариқ туманининг Катта Жирмиз қишлоғида туғилган. 1928 йил 6 ноябрда ЎзССР ЖКнинг 77-моддаси билан 3 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



БОЙМАТОВ Султон – Манғит туманида яшаган. Совет ҳокимиятига қарши курашганлиги учун 1931 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

БОЙНАЗАРОВ Отамурод – 1907 йилда Қўшқўпир туманида туғилган. коллективлаштириш даврида ер-мулки тортиб олинган. 1934 йил “пахта экишдаги зараркунандалиги учун” 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОҚИЕВ Матёқуб – 1885 йилда Ҳазорасп туманининг Оқмачит қишлоғида туғилган. Хунарманд. 1930 йил 2 августда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1989 йил 22 майда оқланган.

БОЛТАЕВ Аваз – 1899 йилда туғилган. 1932 йилгача Ибод бола қўшинида советларга қарши курашган ва 1933 йилда қўлга олиниб, 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Г

ГАЖИНИЁЗОВ Саидниёз Қўпал – 1879 йилда туғилган. Коллективлаштириш даврида ер-мулки тортиб олинган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1932 йилда қамалган.

ГИДОЛЗОВ Жумамурод – 1893 йилда туғилган. Шовотнинг Аннул қишлоғида яшаган. 1928 йил 11 августда ЎзССР ЖКнинг 212-моддаси билан 3 йилга қамалган.

ГРИШИН Иван Радионович – Янги Урганчда яшаган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1928 йил 23 апрелда 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ГИДАЁЗОВ Жумабой – Шовот туманининг Оққўл қишлоғида туғилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1928 йил 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Д

ДАВЛАТМУРОДОВ Оллоберган – Манғитда туғилган. 1931 йилда совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун олий жазога ҳукм қилинган.

ДАВЛАТОВ Ниёзмат – 1901 йилда Хонқа туманида туғилган. 1933 йилда колхоз ерларига пахта экиш бўйича давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



ДАВЛЕТОВ мулла Отажон – 1875 йилда Хива шаҳрида туғилган. 1932 йилда совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун олий жазога ҳукм қилинган.

ДЕВОНОВ Абдураим Девон Матёқуб – 1930 йилда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинган.

ДЕВОНОВ Исмоил Ражаб Девон Ҳожи – 1930 йилда совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганлиги учун олий жазога ҳукм қилинган.

ДЎСТМАТОВ Матёқуб – 1900 йилда Гурлан туманининг Марбўгат қишлоғида туғилган. Колхозчи. 1933 йилда қўрбоши Бобожонов қўл остида совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДЎСТМАТОВ Ҳасан – 1896 йилда Хонқа туманининг Олажа қишлоғида туғилган. 1929 йилда советларга қарши курашганликда айбланиб, 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ё


ЁҚУБОВ Нурмансори – Манғитда яшаган. Мол-мулкини колхозга топширишни истамаган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланиб, 1931 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

Ж

ЖАБАНОВ Олим – 1900 йилда Урганчнинг Беговот қишлоғида туғилган. 1933 йилгача Иброҳим хўжа қўрбошилигида совет ҳукуматига қарши бўлганлиги учун 7 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖАББОРОВ Алёша – 1892 йилда Хонқа туманида туғилган. Колхозчи. 1931 йилда колхозда пахтани кўп эктиришга қарши курашганликда ва давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖАПАРОВ Саидмурот – 1912 йилда Шовот туманининг Юсупбай қишлоғида туғилган. Коллективлаштириш даврида мол-мулкини колхозга топширишдан бош тортганлиги учун 1931 йил 9 ноябрда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йилда оқланган.



ЖАББОРҚУЛОВ Ражаб – Шовот туманининг Оқмачит қишлоғида туғилган. “Аксилінқилобчи” сифатида айбланган. 1928 йил 25 октябрда 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАНИЁЗОВ Ҳайтбой – 1874 йилда Хонқа туманининг Катта Жирмиз қишлоғида туғилган. 1936 йилда совет ҳукуматиға қарши бўлганлиги учун 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАГАЛДИЕВ Жумамурад – Манғит туманида яшаган. 1928 йил 14 январда ЎзССР ЖКнинг 186-моддаси билан 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАКОВ (ЖУМАНОВ) Бўзчи – Хонқа туманининг Хитой қишлоғида яшаган. Коллективлаштириш даврида мол-мулкни колхозга топширишдан бош тортганлиги учун 1930 йил 7 ноябрда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 2 декабрда оқланган.

ЖУМАМУРОДОВ Йўлдош – 1899 йилда Гурлан туманининг Эшимжирон қишлоғида туғилган. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. 1931 йил 16 октябрда совет ҳукуматиға қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 3 февралда оқланган.

ЖУМАМУРОДОВ мулла Отажон – 1862 йилда Шовот туманининг Арбек қишлоғида туғилган. Диний хизматчи. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. “Аксилінқилобчи” сифатида айбланган. 1931 йилда 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАМУРОДОВ Худойберган – Коллективлаштириш даврида ер-мулки тортиб олинган. Совет ҳокимиятиға қарши курашганликда айбланиб, 1931 йилда олий жазоға ҳукм қилинган.

ЖУМАНАЗАРОВ мулла Раҳматулла – 1896 йилда Ҳазорасп туманининг Бешта қишлоғида туғилган. 1930 йилдаги коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олиниб, 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАНАЗАРОВ Тангриберди – 1881 йилда Ҳазорасп туманида туғилган. 1933 йил 28 февралда совет ҳокимиятиға қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 3 октябрда оқланган.

ЖУМАНИЁЗОВ Ашир – 1908 йилда Урганч туманининг Чандирқиёт қишлоғида туғилган. Сетти қиёт қўрбошининг вафотидан кейин 1931



йилгача навкарларга бошлиқ бўлган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1931 йил 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАНИЁЗОВ Давлат – 1904 йилда туғилган. Вали ёвмуд қўрбошилигида совет ҳокимиятига қарши курашганлиги учун 1930 йилда 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАНИЁЗОВ Йўлдош – 1911 йилда Урганч туманининг Ширинқўнғирот қишлоғида туғилган. Отаси ва ўзи совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1930 йилда 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАНИЁЗОВ Йўлдош бола – 1896 йилда Хонқа туманининг Навхос қишлоғида туғилган. 1920-1935 йилларда қўрбошилиқ қилиб, совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун қамалган.

ЖУМАНИЁЗОВ Матёқуб – 1887 йилда туғилган. 1931 йил колхозда пахта экишни кўпайтиришга қарши курашганлиги учун давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖУМАНИЁЗОВ Машарип – Урганч туманида туғилган. 1933 йилда колхоз ерларига пахта кўп экиш бўйича давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 6 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.


ЖўРА Закирий – Гурлан туманида яшаган. 1928 йил 8 майда ЎзССР ЖКнинг 148 -моддаси билан айбланиб, 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

И

ИБОДУЛЛАЕВ Жумаш – Боғот туманида туғилган. Қўрбоши Саъдулла бола қўл остида совет ҳукуматига қарши курашганлиги учун 1930 йилда 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИРЖОНОВ Ортиқбек – 1887 йилда Гурлан туманининг Нукус қишлоғида туғилган. 1930 йил 31 октябрда совет ҳукуматига қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йилда оқланган.

ИРНИЯЗОВ мулла Абдал – 1884 йил Гурлан туманининг Ишимжирон қишлоғида туғилган. Диний хизматчи. 1931 йил 16 октябрда совет



хукуматига қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 3 февралда оқланган.

ИСКАНДАРОВ Исмоил – 1911 йилда туғилган. Хива туманининг Шихлар қишлоғида яшаган. “Аксиланқилобчи” сифатида айбланган. 1928 йилда 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИСКАНДАРОВ Карим – 1897 йилда Хива туманининг Гандимиён қишлоғида туғилган. 4 кишилик гуруҳга қўрбошилиқ қилгани учун 1930 йил 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИСКАНОВ Раим – 1896 йилда Гурлан туманида туғилган. Совет хукуматига қарши курашганликда айбланиб, 1930 йилда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 31 декабрда оқланган.

ИСЛОМОВ Йўлдош Хўжа – 1891 йилда Шовот туманининг Қиёт қишлоғида туғилган. Имом. Совет хукуматига қарши курашганликда айбланиб, 1932 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

ИСЧОНОВ Раим – 1878 йилда Манғит тумани Қалъаушоқ қишлоғида туғилган. Коллективлаштириш даврида мол-мулкни колхозга топширишга қаршилиқ қилганлиги учун 1930 йилда 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИШИМБЕТОВ Саид – 1892 йилда Гурлан туманида туғилган. Совет хукуматига қарши курашганликда айбланиб, 1932 йил 26 июнда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

ИШМЕТОВ Ўразмет – 1910 йилда Гурлан туманининг Эшимжирон қишлоғида туғилган. Совет хукуматига қарши курашганликда айбланиб, 1931 йил 16 октябрда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 3 февралда оқланган.

ИШНИЁЗОВ Матрасул – 1872 йилда Гурлан туманида туғилган. “Аксиланқилобчи” сифатида айбланган. Коллективлаштириш даврида қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

К

КАРИМОВ Отажон – 1907 йилда Шовот туманининг Янги Қанғли қишлоғида туғилган. 1931 йилда совет хукуматига қарши бўлганлиги учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



КЎЧАЙ мулла – 1885 йилда Шовот туманида туғилган. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. 75 ёшида совет ҳукуматига қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, 1930 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

М

МАВЛОНОВ Сувон – 1891 йилда Хонқа туманининг Сарапоён қишлоғида туғилган. 1924-1925 йилларда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1925 йилда 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДАМИНОВ Ота – Хива шаҳрида туғилган. 1928 йил 13 майда ЎзССР ЖКнинг 152-моддаси билан айбланиб, 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДАМИНОВ Юсуп – 1872 йилда Янгиариқ туманининг Саурзан қишлоғида туғилган. Оқсоқол. 1931 йилда советларга қарши курашганликда айбланиб, 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.


МАДЁРОВ Авазбой Қози – 1848 йилда Хонқа тумани Саид Ниёзбой қишлоғида туғилган. 1931 йил 14 мартда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йилда оқланган.

МАМАЖОНОВ мулла Юсуп – 1870 йилда Хива туманининг Журён қишлоғида туғилган. 1934 йилда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАНСУРХОЖАЕВ Сиддиқхўжа – 1867 йилда Янгиариқ туманининг Боғот қишлоғида туғилган. Диний хизматчи. 1936 йил 5 сентябрда аксилинқилобий тарғиботда айбланиб, 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 8 февралда оқланган.

МАДАМИНОВ Ҳасан Қори – 1891 йилда Хива шаҳрида туғилган. Диний хизматчи. Хива музейи таъминотчиси. Советларга қарши курашганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАССАЛАУРОВ Маъфин – Урганч шаҳрида туғилган. 1928 йилда совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 9 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



МАТЁЗОВ Кўшмат – 1906 йилда Кўшкўпир туманида туғилган. Совет ҳокимиятига қарши курашган. 1930 йилда 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТЁҚУБОВ Раимбой – Ҳазорасп туманида туғилган. 1931 йилда мол-мулки тортиб олинган. 1934 йилда пахта кўп экилишига қарши чиққанликда ва давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТЖОНОВ Ибрагим – Кўшкўпир туманининг Хайробод қишлоғида туғилган. 1928 йил 23 мартда ЎзССР ЖКнинг 212-моддаси билан 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТЖОНОВ Мадамин – Боғотнинг Тожиоға қишлоғида туғилган. 1928 йил 23 апрелда ЎзССР ЖКнинг 86-моддаси билан 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТЖОНОВА Бибижон - Хива туманининг Ғовук қишлоғида туғилган. 1928 йил 10 сентябрда ЎзССР ЖКнинг 14-186-моддаси билан айбланиб, 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТКАРИМОВ Абдулла – 1878 йилда Шовот туманида туғилган. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. 1931 йилда колхоз ерларига пахта кўп экилишига қарши курашганлиги учун 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТКАРИМОВ Жуманиёз – Хива тумани Гулланбоғ қишлоғида туғилган. 1928 йил 1 апрелда ЎзССР ЖКнинг 231-моддаси билан айбланиб, 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТКАРИМОВ Қуронбой – Шовот туманининг Қиёт қишлоғида туғилган. 1928 йил 26 мартда ЎзССР ЖКнинг 186-моддаси билан айбланиб, 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТКАРИМОВ Отажон – 1906 йилда Кўшкўпир туманининг Ғазовот қишлоғида туғилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1931 йил 1 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТКАРИМОВ Султон – 1891 йилда Хива туманида туғилган. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1931 йил 4 мартда қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТҚУРБОНОВ Болта – 1900 йилда Хива шаҳрида туғилган. 1924 йил январь кўзғолонининг фаол иштирокчиси. 1925-27 йилларда Раим



бола қўшинида совет ҳокимиятига қарши курашган. 1927 йил 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТҚУРБОНОВ Ота – Янгиариқ туманининг Таган қишлоғида туғилган. 1928 йил 20 октябрда ЎзССР ЖКнинг 231-моддаси билан айбланиб, 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТМУРОДОВ Ваисёз – Урганч туманида туғилган. 1928 йил 9 сентябрда ЎзССР ЖКнинг 14-116-моддаси билан айбланиб, 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТМУРОДОВ Ғойиб юзбоши – Шовот туманида туғилган. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1931 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

МАТМУРОДОВ Жумабой – Шовот тумани Арбек қишлоғида туғилган. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1932 йил 21 декабрда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 26 декабрда оқланган.


МАТМУРОДОВ Маширип – Хонқа туманининг Мадир қишлоғида туғилган. 1928 йил 30 сентябрда ЎзССР ЖКнинг 212-моддаси билан айбланиб, 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТМУРОДОВ мулла Искандар – 1878 йилда Ҳазорасп туманининг Юқори Мухомон қишлоғида туғилган. Колхозчи. 1929 йил пахта экилишига қарши курашганлиги, давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТМУРОТОВ Бобожон – 1910 йилда Шовот туманининг Арбек қишлоғида туғилган. Хонлик даврида сарой амалдори. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда айбланиб, 1932 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

МАТМУРОТОВ Сапарбой – 1904 йилда Ширин Қўнғирот қишлоғида туғилган. 1929 йилгача совет ҳокимиятига қарши курашган. 1929 йилда ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланиб, 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТНАЗАРОВ Наврўз – 1900 йилда Шовот туманининг Гўраклиёр қишлоғида туғилган. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. 1931 йилда колхоз ерларига пахта кўп экилишига қарши ку-



рашганлиги, давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТНАЗАРОВ Отажон – 1872 йилда Гурлан туманининг Хандакёп қишлоғида туғилган. Деҳқон. Коллективлаштириш даврида мол-мулки тортиб олинган. “Аксилінқилобчи” сифатида айбланган. 1933 йилда қамоққа олинган, 1990 йилда оқланган.

